O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Majburiy bepul nusxa

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 11-noyabr • Payshanba • 131 (31.251) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА ЖИҲОЗЛАШ БЎЙИЧА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ва мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш натижасида республикада халқаро стандартларга мос келадиган узлуксиз мажбурий умумий ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг 12 йиллик тизими вужудга келтирилди. 1536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, амалда барча умумтаълим мактаблари, таълим муассасалари қошидаги 1817 та спорт заллари намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди, мукаммал реконструкция қилинди ҳамда замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва ўқув асбоб-анжомлари билан жиҳозланди.

Таълим муассасаларининг барпо этилган моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ва муттасил янгилаб боришни таъминлаш, уларни тизимли асосда энг замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва асбоб-анжомлар билан қайта жиҳозлашни, шунингдек, илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация тизимларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарманинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Жамғармага келиб тушаётган маблағларни кейинчалик улардан таълим муассасалари — умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) мақсадида фойдаланиш учун жамлаш;

таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, шу жумладан, зарур ҳолларда ўқув корпусларини ўқув устахоналари ва лабораториялар билан кенгайтириш, спорт заллари ва майдончаларини ҳамда бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича ишларни молиялаштириш;

замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, тасдиқланган нормативлардан келиб чиқиб, таълим муассасаларини энг янги ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер техникаси ҳамда ахборот-коммуникация таълим технологияларининг бошқа элементлари билан, шунингдек, ўқув мебели ва асбоб-анжомлари билан тизимли қайта жиҳозлаш ҳамда тўлиқ жиҳозлашни молиялаштириш.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП: устувор вазифалар



Зиёдулла НОРМУРОДОВ олган суратлар.

Электорат олдидаги мажбурият

ҳар биримизни доимо фаолликка ундаши зарур

■ Аввал хабар берганимиздек, шу йил 5 ноябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро савдо маркази залида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов йиғилишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири «2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» лойиҳаси бўйича фракциянинг позициясини белгилаб олишдан иборат эканини таъкидлади.

— Бу биз учун сиёсий аҳамиятга эга, Сайловолди дастуримизни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ масаладир, — деди партия етакчиси. — Асосийси, биз бу Дастурнинг бажарилишида кузатувчи бўлмаслигимиз керак. Партиямиз барча депутатлари ўз ваколатлари доирасида дастурда мўлжалланган тадбирлар жойларда самарали ва ўз вақтида бажарилишида фаол иштирок этиши муҳим.

Фракциямиз аъзолари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз «2010 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»ни мониторинг қилиб бормоқда.

Таҳлиллар натижасида жойларда аҳолининг меҳнатга қобилиятли қатламини барқарор иш ўринлари билан таъминлаш масаласида фойдаланилмаган имкониятлар оз эмаслиги кўзга ташланди. Жорий йил тўққиз ойи якунлари бўйича бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида Андижон, Навоий, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳамда қатор туман ва шаҳарларда янги иш ўринлари яратишда йўл қўйилаётган камчиликларга эътибор қаратилди.

2010 йилда яратилаётган иш ўринларининг ярмига яқини кичик корхоналар, микрофирмалар ва хусусий, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига тўғри келмоқда. Бунда Бухоро, Қашқадарё, Тошкент ва бошқа вилоятларда қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Мамлакатимиз Президенти жорий йилнинг январида Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишида маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш вазифасини қўйган эди. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу вазифани бажариш бўйича кўп жойларда ЎзЛиДеП тегишли бўғинларининг мақсадли ҳаракатлари умуман сезилмаяпти.

Биз бандлик дастурини муваффақиятли амалга ошириш фақатгина янги иш ўринлари яратиш ва меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминлашдан иборат деб ҳисобламаймиз. Бу бизнинг Сайловолди платформамизда белгиланган бошқа ижтимоий вазифаларни ҳал этишга ҳам кўмаклашади.

Ижтимоий масалаларни ҳал қилишда амалий иштирок этиш партиянинг 2010 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурида кўзда тутилган. Бугун бу вазифалар жойларда қандай бажарилаётганини чуқур таҳлил этишимиз ҳамда йил охиригача барча режалаштирилган вазифаларни сўзсиз бажариш чораларини белгилашимиз зарур.

Афсуски, ҳали кўплаб партия ташкилотлари ва халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурган вазифалардан келиб чиқиб, ўз зиммасига юкланган масъулиятни охиригача тушуниб етмаган.

Биз «2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» лойиҳасини қўллаб-қувватлаймиз. Бироқ фақат сўзда қўллаб-қувватлаш етарли эмас. Дастур Олий Мажлисда қабул қилингандан кейин, ЎзХДП фракцияси аъзолари ва минтақавий партия кенгашларимиз, маҳаллий депутатлик гуруҳлари тегишли масалаларни янада самарали ҳал этишга қаратилган таклифларни киритишлари керак.

→2

Бир ўринга 10 киши даъво қилмоқда →3

Ширин сўзингиз даво бўлди →4

Эътироф

Ўзбекистондаги кучли интеллектуал салоҳият самараси бўлган илмий тадқиқотлар жаҳон илм-фани жамоатчилиги эътиборини қозонаётир. Бу борадаги изланишларни янада кучайтириш учун мамлакатингизда барча имкониятлар етарли. Нуфузли хорижий илмий муассасалар билан ўрнатилган узвий ва мустаҳкам ҳамкорлик эса бунда муҳим омил бўлаяпти. Ўзбекистонда фундаментал, амалий ва инновацион изланишлар олиб бораётган олимлар фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвийликни янада мустаҳкамлаш юзасидан кенг қамровли ишлар бажарилаётир. Бу борадаги улкан ўзгаришлар халқаро миқёсда ҳам катта қизиқиш уйғотяпти».

Хорхе ЭСПИНАЛ,
ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари

ОБ-ҲАВО 11-12.11. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	17°C	19°C
Самарқанд	14°C	19°C
Нукус	10°C	15°C
Қарши	18°C	23°C
Урганч	10°C	15°C
Навоий	17°C	22°C
Фарғона	14°C	19°C
Бухоро	17°C	19°C
Андижон	14°C	19°C
Наманган	14°C	19°C
Термиз	18°C	23°C
Жиззах	14°C	19°C
Гулистон	14°C	19°C
Тошкент вил.	14°C	19°C
Лондон	11°C	9°C
Париж	8°C	9°C
Москва	6°C	3°C
Мадрид	9°C	8°C
Пекин	10°C	9°C
Гонгконг	14°C	16°C
Рим	11°C	10°C
Анқара	8°C	11°C
Токио	10°C	12°C
Стокгольм	6°C	4°C
Кейптаун	15°C	14°C
Қоҳира	13°C	12°C
Гавана	21°C	20°C
Вашингтон	8°C	10°C

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Кечирасиз, биз ҳам газет ўқиймиз, телевизор кўрамиз, мамлакатда бўлаётган бу гаплардан хабаримиз бор. Сиз бизга вилоятимизда қандай ижтимоий муаммолар борлиги, уларнинг ечими бўйича нималар қилинаётгани ҳақида гапиринг».

→3

Ўзбекистон спорт делегацияси 12-27 ноябрь кунлари XVI ёзги Осиё ўйинларида иштирок этиш учун Хитойнинг Гуанжоу шаҳрига жўнаб кетди.

→4

Фармацевтика ютуқлари намойиши

Кўргазма

■ Дунёда тез ривожланаётган соҳалардан бири бу — фармацевтикадир. Фан-техника тараққиёти дори-дармон ва тиббий ускуналарнинг янги турларини яратишга кенг имконият яратди. Касалликларнинг олдини олиш ва даволашда фармацевтларнинг беқиёс хизмати бор.

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Pharm Med Expo Uzbekistan — 2010» тиббиёт кўргазмаси иш бошлади. Навбатдаги тадбир фармацевтика соҳасига бағишланган. Айтиш керакки, халқаро ихтисослаштирилган кўргазма Ўзбекистонда олтинчи марта ўтказиляпти. Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, кўргазма фақат фармацевтика ютуқлари намойиши бўлиб қолмай, айни пайтда юртимизга сифатсиз дори-дармонлар келишининг олдини олишга ҳам хизмат қилади. Кўргазмада иштирок этаётган Ўзбекистон, Россия, Ҳиндистон ва қатор давлатлар вакиллари фармацевтика саноатидаги янги ишланмалар, ускуналар, дори-дармонлар, ветеринария препаратлари ҳамда тиббий жиҳозларни намойиш қилишяпти.

Ушбу тадбир доирасида учинчи халқаро ихтисослаштирилган бўлажак оналар, болалар ва ўсмирлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтаётир. Мақсад — юртимиз бозорларига болаларга мўлжалланган сифатли маҳсулотлар олиб кириш ҳамда ўзимизда болалар товарлари ишлаб чиқишни янада ривожлантириш.

Фармацевтика ютуқлари намойишига айланган кўргазма давом этаётир.

Равшан ШОДИЕВ

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPOTI

Хизматлар лицензияланган

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА ЖИҲОЗЛАШ БЎЙИЧА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

3. Белгилаб қўйилсинки, тугатилаётган бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг барча актив ва пассивлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармага топширилади.

4. Қуйидагилар Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарманинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Жамғармага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ажратмаларни тўлашдан тушадиган маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

халқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари (қарзлари);

хайрия қилувчилар — юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5. Белгилансинки, Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Қуйидагилар:

Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сонини 4 нафарга кўпайтирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг марказий аппарати таркибида бошқарув ходимлари сони 7 нафардан иборат Жамғарма Ижроия дирекциясининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қуйидагилар:

ҳудудий молия бошқармаларининг тузилмасида молия органлари бўйича белгиланган бошқарув ходимлари сони доирасида 2 нафар ходимдан иборат Жамғарма маблағларини ҳисобга олиш, улардан фойдаланишни таҳлил ва мониторинг қилиш шўъбаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг белгиланган ходимлар сони доирасида 3 нафар ходимдан иборат Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат шўъбаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг операцион бошқармаси тузилмасида 2 нафар ходимдан иборат ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик бошқармаларининг операцион бўлимларида молия органлари учун белгиланган ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида 1 нафар ходимдан иборат шўъба;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тузилмаларида бошқарув ходимлари сони марказий аппаратларда 3 нафардан иборат бўлган таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг манзилли рўйхатларини шакллантириш ва мониторинг қилиш гуруҳлари ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармаларида мазкур тузилмаларнинг белгиланган бошқарув ходимлари сони доирасида 2 нафардан иборат тегишли шўъбалар ташкил қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг тузилмасига туман (шаҳар) молия бўлимларидаги тегишли лавозимларни қисқартириш ҳисобига таълим муассасалари биноларининг техник ҳолати, инфратузилмаси ва жиҳозланиши масалалари бўйича 1 нафардан мутахассис (муҳандис) лавозимини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг маблағларидан, айниқса, таълим муассасаларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва анжомлар билан тўлиқ жиҳозлаш бўйича аниқ мақсадни кўзлаб ва оқилона фойдаланиш устидан тизимли асосда доимий мониторинг олиб борсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иштирокида ҳудудлар бўйича таълим муассасаларини реконструция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга оид таклифларни шакллантирадилар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тасдиқлаш учун белгиланган муддатдан уч ой олдин мана шу таклифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига киритадилар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига келиб тушадиган маблағлар доирасида Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш Дастурининг узил-кесил параметрларини шакллантирадилар ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси киритиладиган муддатларда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этадилар;

Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш Дастури ҳар йили тасдиқланадиган Инвестиция дастурига мустақил бўлим сифатида киради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда икки ҳафта муддатда Жамғарма тўғрисидаги Низомни ҳамда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги Дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Тартибини тайёрласин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қуйидагилар:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича буюртмачи вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати зиммасига;

таълим муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича буюртмачи вазифаси, берилган ваколатлар доирасида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази зиммасига юклансин.

10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирларни, таълим муассасаларининг барпо этилган моддий-техника базаси негизида замонавий таълим технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланишнинг ижобий тажрибасини кенг ёритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси тўғрисидаги Низомни, таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги Дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Тартибини, шунингдек, таълим стандартларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва анжомлар билан жиҳозлашнинг янгиланган нормативларини тасдиқласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 10 ноябрь

ЭЛЕКТОРАТ ОЛДИДАГИ МАЖБУРИЯТ

ҳар биримизни доимо фаолликка ундаши зарур

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев дастур муҳокамаси жараёнида таклифларни унда акс эттириш муҳимлигини таъкидлади.

— Нима учун бу масалани айнан кенгайтирилган мажлисда, яъни партиямиз фаоллари ҳамда фракциямиз ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз иштирокида кўриб чиқишга қарор қилдик, — деди у. — Бу дастур мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Дастур асосида ҳал этиладиган масалалар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли, ҳужжат муҳокамаси чоғида унга ўз таклифларимизни киритишимиз зарур.

Иш билан бандлик, аввламбор ҳар бир инсоннинг фаровонлиги, жамият барқарорлиги ва тинчлигига алоқадор долзарб масала.

Аммо аксарият маҳаллий партия ташкилотларининг электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган Ҳаракат дастури бажарилишини таъминлаш ишлари талабга умуман жавоб бермайди. Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой, Андижон вилоятининг Бўз, Булоқбоши ва Марҳамат, Бухоро вилоятининг Қоровулбозор, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон ва Янгиқўрғон, Самарқанд вилоятининг Пахтачи ва Пайариқ, Тошкент вилоятининг Янгийўл ва Қуйичирчиқ, Сурхондарё вилоятининг Музработ туманларида бу борада бирор-бир амалий ҳаракат қилинмаган. Мазкур туман партия ташкилотлари Ҳаракат дастурига киритилган масалаларни ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрламаган.

Нега фаолларимиз бу муаммоларга бефарқ қарашади?

Минг афсуски, вилоят ва туман партия кенгашлари ўзлари сайловларда курашиб, депутат этиб сайлаган вакилларни ишлата олишмаяпти, вакиллик органларига эга бўлган ташкилий салоҳиятимиздан самарали фойдалана олмаяпмиз. Муаммонинг илдизи шунда.

Демак, бугунги кунда бизнинг олдимизда турган энг долзарб масала, сиёсий партия сифатида депутатлик корпусимиз салоҳиятидан самарали фойдаланишдир. Депутатлар ишини ташкил қила олмаган партиямиз раҳбарларининг ҳам масъулиятини кўриб чиқсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Йиғилишда **Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимуҳамедов**нинг дастурнинг асосий йўналишлари ҳақидаги ахбороти тингланди.

— «2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» лойиҳаси мамлакатимиз олдидаги муҳим вазифалар бажарилишини кўзда тутади. — деди у. — Меҳнат бозоридаги эҳтиёж ўрганилиб, лойиҳа шу асосда ишлаб чиқилган. Жорий йилда 956 247 та иш ўрни яратилиши мўлжалланмоқда. Мамлакатимизда иш ўринлари билан боғлиқ барқарорликни сақлаб қолиш учун бу жуда муҳим. Шуни айтиб ўтиш керак, иш ўринлари режаси тармоқлар ва ҳудудларнинг ривожланиши, ҳудудларнинг иқтисодий ва демографик кўрсаткичлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланган.

Дастур лойиҳаси Инқирозга қарши чоралар дастури ва 2011 йил Давлат бюджетининг устувор йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ.

Жумладан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши уларнинг моддий базасини кенгайтиради ва бу маблағлар янги иш ўринлари ташкил қилинишига замин яратади. Дастур лойиҳасида кам харажат қилиб, кўпроқ иш ўрни яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Булар асосан касаначилик ва уй меҳнати замирида ташкил қилинадиган иш ўринларидир.

Дастурда кўрсатилаётган иш ўринларига касб-ҳунар коллежларини битираётган 400 минг нафардан ортиқ ва олий-ўқув юртларини тугатаётган 62 минг нафардан зиёд битирувчиларни қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакат миқёсида бўш иш ўринлари ҳақида маълумот берувчи автоматлаштирилган тизим жорий қилиш режалаштирилган.

Дастур лойиҳасида меҳнат бозорида мураккаб вазият юзага келган 30 та ҳудудга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Амударё туманида 5000 та, Қўшкўпир туманида 6200 та, Андижон туманида 5500 та, Шофиркон туманида 6500 та, Чироқчи туманида 6000 та, Ургут туманида 10 000 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилаяпти.

Шу ўринда «2010 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг бажарилишида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш зарур. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш йилнинг тўққиз ойи давомида 40 фоизга бажарилган бўлиб, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги кўрсаткич бундан анча паст. Мўлжалланган вазифалар Хўжайли, Балиқчи, Бахмал, Мирзачўл ва Пахтачи туманларида яхши бажарилмаяпти.

Ботир Алимуҳамедов ўз маърузасида, шунингдек, «2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» амалий таклифлар учун очиқ эканини таъкидлади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи юзасидан депутатлар қатор саволлар беришди. Хусусан, касб-ҳунар коллежларини 2010-2011 ўқув йилида битираётган ёшларни мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, иқтисодиёт тармоқларида мутахассисликларга бўлган реал эҳтиёжни таҳлил этиб бориш, ҳунармандчилик, уй меҳнати билан шуғулланаётган фуқароларга меҳнат дафтарчаси юритиш, уларнинг меҳнатини муҳофазалаш масалалари юзасидан саволлар, таклифлар, танқидий мулоҳазалар ўртага ташланди. Саволларга **Ботир Алимуҳамедов, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази директорининг ўринбосари Зайниддин Худойбердиев, Иқтисодиёт вазири ўринбосари Рустам Шоабдураҳмонов, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси раисининг ўринбосари Шамсиддин Султонов, «Микрокредитбанк» бошқаруви раисининг ўринбосари Иброҳим Салимов, Марказий банк департаменти бошлиғи Актам Сайфуллаев** жавоб берди.

Улар депутатлар томонидан ўринли танқидий фикрлар билдирилганини таъкидладилар. Бу соҳада ҳукумат тузилмалари томонидан кўпгина ишлар олиб борилаётганига эътибор қаратдилар. Шунинг билан бирга, депутатлар билдирган ўринли таклифлар алоҳида инобатга олинишини айтишди.

Қўшма мажлисда Маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарларининг аҳолини иш билан таъминлаш вазифасини ҳал қилиш бўйича қандай ишлар олиб бораётгани, бу масалада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қандай ташаббуслар билан чиқаётгани ҳақида ахборотлари тингланди.

Йиғилиш якунида электорат олдидаги мажбурият ҳар биримизни доимо фаолликка ундаши зарурлиги таъкидланди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан партия барча даражадаги депутатларининг аниқ вазифалари белгилаб олинди.

●●●

Қўшма йиғилишдан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари, минтақавий партия фаоллари учун «Электорат билан иш олиб боришда ташкилий асосларни мустаҳкамлаш» мавзусида семинар ўтказилди.

Семинарда **ЎзХДП Марказий Кенгашининг Ташкилий-кадрлар ишлари ва парламентчилик фаолияти бўлими мудири Зокиржон Холматов** партия тизимини мустаҳкамлаш масаласига тўхталиб ўтди.

Бу партиямизнинг жамиятдаги мавқеи билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун бу борадаги ишлар самарасини ошириш, барча бўғиндаги партия ташкилотлари етакчиларини танлаш ва сайлашда иқтидорли кадрларга кўпроқ эътибор қаратиш, партия тизимида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш лозим.

Шунингдек, туман, шаҳар ва вилоят партия кенгашлари ташкил этаётган тадбирлар кўп ҳолларда ҳўжакўрсинга ўтказилаётгани таъкидланди. Йиғилишларда кун тартибидаги масала бўйича мутасадди ташкилот ҳамда ижтимоий институтлардан тегишли мутахассисларни таклиф этиш ва фикр алмашиш изчил йўлга қўйилмаяпти. Аниқ ижтимоий йўналишлар бўйича тадбирларни такомиллаштириш эса давр талабидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Зиёвуддин Мансуров кадрларнинг ижтимоий-сиёсий билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳақида фикр билдирди.

Аввало, мамлакатимиз ва дунёда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларни кузатиш ҳамда таҳлил этиб бориш даркор. Биринчи навбатда партия Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга ҳар бир ходим масъулият билан ёндашиши жоиз. Бунда асосан сиёсий партиялар фаолияти ва қонунчиликдаги янгиликлар мазмун-моҳиятидан етарли хабардор бўлиш яхши самара беради.

Семинар якунида тегишли масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЯНВАРИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ ҚЎШМА ЙИҒИЛИШИДА МАҲАЛЛАНИ ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРИШ ВАЗИФАСИНИ ҚЎЙГАН ЭДИ. АММО ТАҲЛИЛЛАР ШУНИ КЎРСАТМОҚДАКИ, УШБУ ВАЗИФАНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА КЎП ЖОЙЛАРДА **ЎзЛиДеП** *ТЕГИШЛИ БЎҒИНЛАРИНИНГ МАҚСАДЛИ ҲАРАКАТЛАРИ УМУМАН СЕЗИЛМАЯПТИ.*

АММО АКСАРИЯТ МАҲАЛЛИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАРАКАТ ДАСТУРИ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИ ТАЛАБГА УМУМАН ЖАВОБ БЕРМАЙДИ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЧИМБОЙ, АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ БЎЗ, БУЛОҚБОШИ ВА МАРҲАМАТ, БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ҚОРОВУЛБОЗОР, НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТЎРАҚЎРҒОН ВА ЯНГИҚЎРҒОН, САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ПАХТАЧИ ВА ПАЙАРИҚ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЯНГИЙЎЛ ВА ҚУЙИЧИРЧИҚ, СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ МУЗРАБОТ ТУМАНЛАРИДА БУ БОРАДА БИРОР-БИР АМАЛИЙ ҲАРАКАТ ҚИЛИНМАГАН.

ЎзХДП маҳаллий кенгашлари диққатига!

ТАДБИРЛАРИМИЗ ТАЪСИР КУЧИ

талаб даражасидами, улар электорат манфаатига қандай хизмат қилмоқда?

■ Маҳаллий партия кенгашларимизнинг бугунги фаолияти таҳлилидан келиб чиқиб, бу саволларга бир хил жавоб бериш қийин, албатта. Улар орасида замон талабларига мос равишда ишлашга интилаётганлари, изланаётганлари оз эмас. Айниқса, жорий йилнинг бошида мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сиёсий партиялар фаолиятига билдирган танқидий фикрлар, улардан келиб чиқадиган вазифалар асосида партия ташкилотларида ўзига хос жонланиш кўзга ташланмоқда. Бу ҳол, аввало, партиявий тадбирлар сезиларли даражада кўпайгани, уларда муаммоларни ўрганиш, муҳокама этишга, электоратнинг сиёсий маданияти, ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган масалалар кўрилаётганида сезилмоқда. ЎзХДП маҳаллий кенгашлари фаолиятидан бунга қатор мисоллар келтириш мумкин.

Бироқ партиямиз Марказий Кенгаши томонидан уюштирилган семинар-тренинг, берилаётган тавсияномаларда электорат билан ишлашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш йўл-йўриқлари кўрсатилаётганига қарамай, айрим жойларда эскича мажлисбозлик, тадбирбозликлар давом этаётгани кишини ўйга толдиради.

Тадбир ўтказишда ҳамон расмий қолипдан чиқиб кета олмаётган, кўпроқ маърузабозликка берилган ёки номига тадбир ўтказаётган ташкилотларимиз туман, шаҳар, ҳатто вилоят миқёсида ҳам учраб турибди. Бундай партия ташкилотлари етакчилари тадбирлар унинг иштирокчиларига нима бераётгани тўғрисида жиддий ўйлаб кўрмаётганга ўхшайди. Электорат манфаатдор бўлмаган тадбир, табиийки, партия ташкилотининг ўзига ҳам обрў келтирмайди. Бу иллатнинг бош сабабларидан бири — айрим етакчилар тадбир самарасидан кўра кўпроқ унинг сонига эътибор бераётганида бўлса керак. Ҳатто фалон йўналишда фалонча тадбир ўтказдик, унда шунча одам қатнашди тарзида рақамларни келтириш билан ўзларини гўё фаол ишлаётган қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Агар бу каби тадбирлардан сўнг унинг қатнашчиларига ёпиқ овозда жавоб бериш шарти билан: «Сиз бу мажлисдан нима олдингиз?» — деган савол қўйилса, жавоби қандай бўлиши маълум. Эҳтимол, шу тажрибани ростдан ҳам қўллаб кўриш керакдир. Ўшанда тадбирларимиз таъсир кучи қай даражада экани, унинг баҳоси аниқ-равшан бўладиқўяди. Ана шундай юзаки тадбирлар оқибатида уларни газеталаримизда ёритиш ҳам оддий, қуруқ ахборотлардан иборат бўлиб қолаётган ҳоллар оз эмаслигини инкор этиб бўлмайди.

Шу ўринда ўзимизга савол бериб кўрайлик: шошма-шошарлик билан юзаки ўтказилган ўнта тадбир ўрнига пишиқ, пухта ва амалий самара берадиган битта тадбир афзал эмасми? Устига-устак, айрим ҳолларда партия мақсадларига, Сайловолди платформасида белгилаб олинган устувор вазифаларга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбирлар ҳам учраб турибди. **Бундай йиғилишларда юзаки, умумий гаплардан иборат маърузадан сўнг номига уч-тўрт одам сўзга чиқади. «Музокараларни тўхтатиш тўғрисида таклиф тушди, шунга нима дейсизлар?» — деб сўралиши билан ҳамма худди шуни кутиб ўтиргандек дарров қўл кўтаради. Нима учун бундай?** Чунки йиғилишдаги масала, биринчидан, иштирокчиларда қизиқиш уйғотмаган, иккинчидан, маърузада чуқур таҳлил, аниқ мисоллар, очиқ танқид етишмаган бўлади. Бунақа тадбирларнинг партияга фойдасидан зарари кўпроқ тегади. Одамларнинг йиғилишлардан кўнглини қолдиради.

Яқинда вилоят кенгаши депутатларидан бири билан бўлган учрашувда ноқулай ҳолат рўй берди. Депутатнинг маърузаси авжига чиққан пайтда одамлардан бири ўрнидан туриб, **«Кечирасиз, биз ҳам газет ўқиймиз, телевизор кўрамиз, мамлакатда бўлаётган бу гаплардан хабаримиз бор. Сиз бизга вилоятимизда қандай ижтимоий муаммолар борлиги, уларнинг ечими бўйича нималар қилинаётгани ҳақида гапиринг»,** — деб қолди. Афсуски, депутат бу саволга жавоб беришга қийналди... Демак, у учрашувга жиддий тайёргарлик кўрмаган, ўз бурчига масъулиятсиз қараган. Ваҳоланки, одамлар депутат билан бўладиган ҳар бир учрашувга, партия йиғилишларига қизиқиш билан, ўз саволларига жавоб олиш иштиёқида келиши керак.

Ҳозир қатор маҳаллий партия ташкилотларида минбарлардан, узундан-узоқ маърузалардан, йиғилишни расмий тусда ўтказишдан воз кечилиб, очиқ-ошкора, самимий сухбатларга кўпроқ эътибор берилмоқда. Одамларга ўз фикрини эмин-эркин айтиш имкони яратилмоқда. Натижада баҳс-мунозара бўлмоқда, танқид ҳам, таклиф ҳам билдирилмоқда. Бундай тажрибаларни оммалаштириш, янада ривожлантириш ишимиз самарадорлигини таъминлайди, деб ўйлаймиз.

Ўтказаётган тадбирларимиз партиямиз ғояларини тарғиб қилиш, Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилмоғи зарур. Бу борада долзарб бўлиб турган вазифалар партиямиз Марказий Кенгаши йиғинларида такрор-такрор айтилаётганига қарамай, тегишли хулоса чиқариб олмаётган маҳаллий кенгашлар раҳбарларининг лоқайдлигига қандай баҳо бермоқ мумкин?

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сиёсий партиялар, депутатлар олдида турган устувор вазифалар ҳақида чуқур таҳлилий мулоҳазалар билдирган эди. Хусусан, электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларидан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтгани ҳаммамизга яхши маълум-ку. Партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари, аввало, бу масала кун тартибига нега қўйилганининг сабаби ва мақсадини чуқур англаб етмоғи зарур. Бугун талаб ўзгача, одамлар дунёқараши бошқача. Иш усулларимиз ҳам шунга яраша бўлмаса, самара бермайди. Партия ташкилоти етакчиси, партияга дахлдор депутат сифатида зиммамизда турган улкан вазифадан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, тадбирларимиз савияси, уларнинг Сайловолди платформамиздаги ваъдалар ижросига таъсиридан қониқиш ҳосил қилишимиз қийин.

Ўтказаётган тадбирларимиз одамларни қизиқтира олса, ҳаяжонга солса, баҳс-мунозарага бой бўлса, партия манфаатига, айни чоғда электорат манфаатига хизмат қилади. Бунинг учун эса кўрилаётган масала, ундан кўзланган мақсад аниқ бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Биз фаолиятимизга, ҳар бир ишимизга партиямиз ўз зиммасига олган вазифалар масъулиятидан келиб чиқиб баҳо берсак, тўғри бўлади. Аслида, одамлар ҳам биздан шуни кутмоқда.

Сафар ОСТОНОВ



Истиқболли корхона

Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Макма» масъулияти чекланган жамиятда маҳсулот сифати ошиб, иш ўринлари кўпаймоқда

«Қишлоққурилишбанк» вилоят филиалининг 160 миллион сўм кредити ҳисобига корхонада янги йўналиш очилди. Унда бинолар ички ва ташқи қисмлари учун қурилиш-пардозлаш материаллари ишлаб чиқилади. Замонавий технология асосидаги бу тизим яқинда ишга туширилди.

— Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимиз анъанавий турдошларидан кўп жиҳатдан устун, — дейди корхона раҳбари Ризо Раҳимов. — Аввало, у экологик жиҳатдан тоза, унда пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришда бўлгани каби цемент ёки азбест қўлланилмайди, аксинча, ёғоч қипиғи, майдаланган сомон ва қум каби маҳаллий хомашёдан фойдаланилади.

Ҳозирча технологик жараёнда зарур аралашманинг 60 фоизи хориждан олиб келинмоқда. Яқин йилларда бу маҳсулотлар ўзимизда тайёрланади. Яна бир муҳим жиҳати, пардозлаш материаллари сифатли ва пишиқ, улар сирланган кошин, гипсокартон, пластика ва аликапондга қараганда узоқ хизмат қилади. Қолаверса, «Макма»нинг янги маҳсулоти иссиқ-совуққа чидамли.

Айни пайтда корхонада 7 нафар киши хизмат қилаяпти. Яқин кунларда офис мебеллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Шунда ишчилар сони 3 баравар кўпаяди. «Макма»нинг ўз савдо уйи бозор талабларини ўрганиш учун хизмат қилади.

Моҳигул НАЗАРОВА

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Жараён давом этмоқда

■ Мамлакатимизда зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёни давом этмоқда. Эски техника ва технологиялар асосида ишлаётган, ҳеч қандай иқтисодий истиқболи бўлмаган корхоналарни тугатиш ва уларнинг негизида янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан қирқ йиллар аввал ишга туширилган Ғазалкентдаги «Ғазалкент ТИБК» ҳам иқтисодий ночор корхона деб эълон қилинганди.

Республикамиз Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банклари балансига ўтказиш ва уларни қайта тиклаш тадбирлари туфайли бу заводни ҳам ривожлантириш имконияти вужудга келди. Тошкент вилоят хўжалик судининг 2009 йил 30 январдаги қарорига биноан, банкротликка учраган мазкур корхона Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки тасарруфига ўтказилгач, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Gazalkent stone» корхонаси ташкил этилди.

Малакали янги ишчи-мутахассислар қабул қилинди. Мавжуд ускуналар, дастгоҳлар ҳолати ўрганиб чиқилди. Технологик линиялар жорий таъмирланди. Қисқа муддатда 43 та янги иш ўрни яратилди. Корхонадаги ишлаб чиқариш ускуналарининг тўла қувватда ишлашини таъминлаш, маҳсулот сифати ва турларини ошириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, зарур бўлган кўплаб эҳтиёт қисмлар ва материаллар харид қилинди. Бунинг учун Миллий банк томонидан 282,8 миллион сўм маблағ ажратилди.

Аслида бу корхона кўплаб қурилиш ташкилотлари ҳамда аҳолига гранит ва мармар плиталар етказиб беради. Харсанг тошларни кесиш учун махсус янги арралар ва турли асбоб-ускуналар зарур эди. Италияда ишлаб чиқарилган дастгоҳларнинг таъмирланиши учун ўтган йил сентябрида Бельгиянинг «Husgvama Belgium SA» фирмаси билан шартнома тузилди. Шунга биноан, замонавий бутловчи қисмлар ва материаллар олиб келиб, ўрнатилди. Бундан ташқари, банк томонидан ажратилган яна 130 миллион сўм маблағ ҳисобидан завод бино ва иншоотларининг томи, ташқи фасад қисми тўлиқ таъмирланди.

2009 йил март ойидан бошлаб завод ишга тушиб, маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йил охиригача 333 миллион сўмликдан зиёд, яъни 7952,18 квадрат метр гранит ва мармар плиталари ишлаб чиқарилди. 253,5 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот буюртма асосида мижозларга сотилди.

Қозоғистон Республикасига 18 минг АҚШ доллари миқдоридаги қурилиш материали экспорт қилинди. Умуман, 2009 йил якуни бўйича корхонада 13 миллион сўм соф фойда олинди.

Шу йилнинг январь-сентябрь ойларида банкдан яна 50 миллион сўм маблағ олиниб, Украина Республикасидан қизил гранит харсанг тошлари харид қилинди.

2010 йилга келиб корхонанинг барча цехлари уч сменада тўлиқ қувват билан ишлай бошлади, 6 та янги иш ўрни вужудга келди. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 674,5 миллион сўмлик, яъни 93-10,37м² маҳсулот ишлаб чиқарилди. 547,1 миллион сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан салкам 2 баравар ўсди. Шу боис банкдан олинган кредитнинг 81 миллион сўми сўндирилди.

Айтиш керакки, корхонада ўз касбининг янги усталари етишиб чиқди. Жумладан, тош кесувчилардан Бунёд Исобов, Комил Абдуллаев, тош кесувчи-сайқалловчилардан Учқун Шодиев ва Зайниддин Тожибоевлар касб сирларини пухта эгаллаб, кўпчиликка ибрат бўлишмоқда.

Бугунги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларини экспорт қилиш бўйича Россия ва Қозоғистонга маҳсулот намуналари жўнатилди. Яқин келажакда завод ўз маҳсулотининг 20 фоизини хорижга экспорт қилишни режалаштирмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.



Хорижда

Иккинчи айблов

эълон қилинди

■ Париж шаҳар суди Франциянинг собиқ президенти Жак Ширакка нисбатан иккинчи айбловни эълон қилди.

«Bloomberg» нашри ёзишича, у 1977 йилдан 1995 йилгача, яъни Париж шаҳар мэриясини бошқарган пайтда қалбаки лавозимлар жорий этиб, уларнинг маошини сиёсий ҳамкорларига ўтказиб берганликда айбланмоқда.

Аввал ҳам Париж мэрияси томонидан Жак Ширак 21 та қалбаки иш ўрни ташкил этганликда айбланган ва даъво иши қўзғатилган эди. Бироқ жорий йил сентябрь ойида Жак Ширак шаҳар мэрияси бюджетига етказган 2,2 миллион евролик зарарни тўлашга розилик бергач, даъво қайтариб олинган эди.

Иккинчи айблов юзасидан собиқ президент устидан суд жараёнини тинглаш келгуси йил мартда бошланади.

Агар 77 ёшли қариянинг айби исботланса, у 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Бир ўринга 10 киши

даъвогарлик қилмоқда

■ 28 ноябрда Миср Халқ мажлиси (парламентнинг қуйи палатаси)га сайловлар бўлиб ўтади.
Мамлакат Марказий сайлов комиссияси маълум қилишича, парламентнинг 508 та мандати учун 5725 нафар даъвогар номзод сифатида иштирок этиш учун ариза берган.

Марказий сайлов комиссияси 14 ноябргача барча аризаларни кўриб чиқиши ва номзодларнинг якуний рўйхатини эълон қилиши даркор. 14 ноябрдан сайловолди тарғибот кампанияси бошланади.

Иккинчи тур овоз бериш 5 декабрга белгиланган.

Мисрда ҳар 5 йилда парламент сайловлари ўтказилади.

Ҳозир фаолият кўрсатаётган парламентда Миллий демократик партия энг кўп ўринга эга. Бу партия келгуси сайлов учун 700 даъвогарнинг номзодини илгари сурган.

Шамол йўналишини аниқлаш учун

мониторинг ўтказади

■ Беларусь Энергетика вазирлиги хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда келгуси йили мамлакат кенгликларида шамол йўналишларини ҳамда муқобил энергия тизимини яратиш учун шамол парраклари ўрнатиш манзилларини аниқлаш юзасидан мониторинг ўтказади, дея хабар беради «Белта» АА.

Сўнг унинг натижаларига кўра, Беларусда Хитой компаниялари инвестициялари ҳисобига экологик тоза энергия ишлаб чиқарувчи шамол парраклари ўрнатилади.

Дарвоқе, Хитойнинг «HEAG» компанияси айни пайтда Гронден областининг Грабник шаҳарчасида 1,5 МВт қувватга тенг энергия ишлаб чиқарувчи шамол энергетик қурилмасини бунёд этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Ҳ.Умаровга акаси **Зикрилла УМАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Собир Раҳимов туман кенгаши партия фаоли, 315-мактаб директори **Мактуба АЛИМОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ифтихор



Баркамол авлод орзуси

бу йўлда қилинаётган беқиёс ишлар кучимизга куч қўшмоқда

■ Мен ярим асрдан буён таълим тизимида ишлаб келаяпман. Бутун онгли ҳаётим, қувончу ташвишларим болалар тарбияси, тақдири билан боғлиқ. Кўрган-билганларим, ҳаётий сабоқлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, ҳеч бир замонда таълим соҳасига ҳозиргидек эътибор берилмаган. Буни Хоразм вилояти миқёсида ҳам яққол кўриш мумкин.

Вера ПАК,
Хива шаҳридаги Меҳрибонлик уйи директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
ЎзХДП фаоли.

Бу ютуқлар кўламини тасаввур қилиш учун кўп гапдан кўра, оз бўлса-да, рақамларга эътибор бермоқ маъқул, деб ўйлайман. Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумиллий дастурини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, вилоятда тўртта янги мактаб қурилди, 124 мактаб капитал реконструкция қилинди. 225 та мактабда капитал ва 82 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шу муддатда 441 та умумтаълим мактабининг муҳандислик-коммуникация тизими тубдан яхшиланди. Давлат томонидан бу мақсадлар учун салкам 74 миллиард сўм маблағ сарфланди. Шу билан бир қаторда, ҳомий ташкилотлар томонидан қўшимча равишда бир мактаб-интернат капитал таъмирдан чиқарилди.

Давлат умуммиллий дастурига киритилган мактабларни замонавий мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт жиҳозлари билан тўла таъминлаш учун салкам 25 миллиард сўм ажратилди. Ҳозир умумтаълим мактабларининг етмиш фоиздан ортиғи компьютер техникаси билан таъминланиб, барча мактаблар «Зиёнет» тармоғига уланди.

Ёшларимиз нафақат илмли, айни чоғда жисмонан баркамол бўлиши ҳам давлатимиз диққат эътиборида турибди. Қисқа муддат — атиги беш йил ичида вилоятимизда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 67 та спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадлар учун 8.6 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Биз бу борада бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, таълим тизимидаги энг сўнгги янгиликлар билан танишиб, уларни тармоққа жорий этиб бораяпмиз. Ҳозир ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда «Болага дўстона муносабатдаги мактаб» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳага жами 23 мактаб қамраб олинган.

Шу ўринда мени ҳаяжонга солиб келаётган яна бир гапни айтмоқчиман. Президентимиз яқинда БМТ минбаридан туриб, мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган ёрқин ишлар ҳақида гапирганида, ёш авлод тарбияси йўлида кўрсатилаётган бу беқиёс ғамхўрликни яна бир бор чуқур ҳис этиб, кўзларимга ёш келди. Айни чоғда ҳаётда танлаган касбимдан беҳад фахрландим. Мен Ўзбекистондай юртнинг фарзанди эканимдан, баркамол авлодни тарбиялашга озгина бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан бахтлиман. Кўрсатилаётган эътибор, яратилаётган шароитларга жавобан ҳар доим сидқидилдан меҳнат қилишимиз талаб этилади, албатта. Мамлакатимизнинг эртанги куни биз ўқитувчи-мураббийларга боғлиқлигини ҳис этишнинг ўзи кишига катта масъулият юклайди, кучимизга куч қўшади.

Қарор ва ижро

Замонавий мусиқа мактаби

■ Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шу давр оралиғида 136 та янги болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши, 142 та мусиқа мактаби реконструкция қилиниши белгиланган.

Жумладан, жорий йилда 14 та болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этиш, мавжуд мусиқа мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий мусиқа асбоблари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Яқинда Самарқанд шаҳрида 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги, замонавий ўқув биноси қуриб битказилди. Лойиҳа қиймати 1 млрд. 723 млн. сўмни ташкил этган мазкур иншоот эндиликда 200 ўринли катта, 100 ўринли кичик ва 80 ўринли ёзги концерт залларига эга бўлди.

Бундан ташқари, мусиқа мактабларига хос бўлган акустика ва овоз изоляцияси инобатга олиниб, барча синфхоналар махсус товуш ўтказмайдиган материаллар билан жиҳозланди.

Киши кўзини қувнатадиган уч қаватли янги бинода ўқувчилар чуқур билим олиши учун етарлича шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, 136 турдаги энг замонавий чолғу асбобларининг келтирилиши таълим сифати янада ошишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мазкур мусиқа мактабининг иқтидорли ўқувчилари республика ва халқаро танловларда мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, 2008 йили Тошкентда ўтказилган Муҳиддин Қори Ёқубов мусиқа фестивалида мактабнинг икки нафар ўқувчиси 1- ва 2-ўринларни қўлга киритди. Шунингдек, мактаб тарбияланувчилари Амиржон Узоқов «Янги авлод» танловининг республика босқичида, Редвон Бухорев эса Урганчда ташкил этилган «Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги» мусиқа фестивалида биринчи ўринга сазовор бўлишди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Гуанжоу шаҳрида Олимпиаданинг очилиш маросимига тайёргарлик қизғин.

«Юртимизга ғалаба билан қайтамиз!»

Тошкент халқаро аэропортида Хитойда бўладиган Осиё ўйинларида қатнашиш учун жўнаб кетаётган спорт делегациямизни тантанали кузатиш маросими бўлди. Йилнинг нуфузли мусобақасида иштирок этиш учун бораётганлар орасида дзюдо бўйича Пекин олимпиадаси бронза медали совриндори, жаҳон чемпиони Ришод Собиров, «Жаҳоннинг энг яхши каноэчиси», икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков, бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев каби таниқли спортчиларимиз ҳам бор. Уларнинг чехрасига қараб «Биз юртимизга ёруғ юз билан, ғалаба билан қайтамиз», деган сўзларни уқиш мумкин.Олимпия ўйинлари ғоясида таъкидланганидек, бундай нуфузли мусобақада қатнашишнинг ўзи катта шараф. Чунки халқаро миқёсда Ватан номидан майдонга тушиш, муросасиз курашларда унинг шаънини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчига ҳам насиб этавермайди.

1994 йили Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинларида биринчи бор қатнашган юртимиз спортчилари ўзларининг ёрқин ғалабалари билан қитъа аҳлини, жаҳон спорт мутасаддиларини ҳайратга солганди. Ўтган йилларда юртимизда спортни ривожлантириш, спорт иншоотлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қатор қарорлар қабул қилинди, спортчи ва мураббийларнинг мусобақаларга етарли тайёргарлик кўриши учун шарт-шароит яратиш, уларнинг халқаро турнирларда қатнашишини таъминлаш борасида чора-тадбирлар белгиланди. Юртимизда иқтидорли спортчиларни кашф этиш мақсадида уч босқичли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келиняпти. Осиё ўйинлари иштирокчилари орасида айнан шу мусобақаларда кашф этилган ва маҳорати тобланган иқтидорли спортчиларимиз оз эмаслиги қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Албатта, бундай юқори тоифадаги мусобақалар янги спорт юлдузларини кашф қилади. Ишончимиз комил, XVI Осиё ўйинлари кашф қилган спорт юлдузлари орасида албатта юртимиз спортчилари ҳам бўлади.

Эртага Гуанжоуда Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлади. Ташкилотчилар бу маросим Пекин олимпиадаси тантаналари даражасида бўлишига кафолат беришмоқда. Муҳими, ушбу маросимда қатнашиш учун қитъамизнинг 45 давлатидан келган 10 минг нафардан зиёд спортчилар қаторида бизнинг спортчиларимиз ҳам бор. Улар Ўзбекистонга ғалаба билан қайтишига барчамиз тилакдошмиз.

13-27 ноябрь кунлари Осиё ўйинлари мусобақалари Гуанжоудаги 19 та спорт мажмуи ва 53 та спорт майдонида ҳар хил муддатларда 42 тур бўйича ўтказилади. Шу боис кейинроқ бошланадиган мусобақаларда қатнашадиган спорт жамоаларимиз 11 ва 14 ноябрь кунлари Хитойга жўнаб кетишади.

Хабарингиз бор, футбол мусобақалари 7 ноябрь куни бошланган. Мамлакатимиз олимпия терма жамоаси биринчи ўйинда Бангладеш футболчиларини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратишганди, иккинчи ўйинда Гонконг вакилларига 0:1 ҳисобида ютказиб қўйишди. Футболчиларимиз бугун БАА вакилларига қарши майдонга чиқишади.

Дил изҳори

Ширин сўзингиз даво бўлди



Мен қарилик нафақасидаман. Президентимизга мингдан-минг раҳмат, юртимизда кексаларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилинмоқда. Мустақилликдан сўнг соғлиқни сақлаш тизимида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Шифо масканлари энг сўнгги русумдаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланмоқда.

Яқинда Хоразм вилоят эндокринология шифохонасида ётиб даволандим. У ерда беморларга бўлган хушмуомалалик, яратилган шарт-шароит мени ҳайрон қолдирди. Гулчеҳра Абдуллаева, Шуҳрат Ҳожиев каби ўз касбининг устаси бўлган шифокорлар, Муяссар Назарова, Саломат Собирова сингари меҳрибон ва ширинсўз ҳамшираларнинг хизмати туфайли соғлигимни тиклаб, яна оилам бағрига қайтдим.

Мен бу шифохонадаги тиббиёт ходимларига чин дилдан миннатдорлик билдирмоқчиман. Омон бўлинг, ширин сўз шифокорлар!

Зулфия РАҲИМОВА,
Урганч шаҳри.

ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

Объявлает тендер № 6, 2010 года на приобретение двух скоростных пассажирских тепловозов согласно графика поставки (1-2 квартал 2011 года).

Условия оплаты — в течении 90 банковских дней с момента поступления товара на станцию назначения, выписки карточки ввоза и ГТД Руз.



Условия поставки — DDU — ст. Ташкент-Товарный

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410. тел: 237-94-72, 237-96-33, факс: 140-00-23.

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования объявления в средствах массовой информации.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — (374) 225-32-70
Buxoroda — (365) 223-06-02
Gulistonda — (367) 225-46-45
Jizzaxda — (372) 227-48-35
Navoiyda — (436) 223-83-73
Namanganda — (369) 226-43-81
Nukusda — (361) 222-77-21
Samarqandda — (366) 235-02-55
Urganchda — (362) 517-30-58
Farg'onada — (373) 224-18-78
Denovda — (376) 412-37-80

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7648 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 23.35
1 2 3 4
Sotuvda erkin narxda